

## СҮЗБОЛИ

ИННЛАБ ЧИКИЛДАН ВА КИРНГИЛДАН:

Ислом Каримов Университети Гуманитарного техники университети,

"Узтехсано" макулдаш

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
кодурунган Олий ва ўрта маҳсус профессионал таълим йўналишлари бўйича  
хуёвчукор бозорималар фаслини – Муофиклантирувчи кенгашининг  
2024 йил март оғизида даги сабакни солди йиганишида маъқулдади.  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2024 йил март оғизида даги сабакни бўйрги билан тасдиқланган.

Жони 60711500 – Мехатроника ва робототехника  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Макур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълом стандарти  
Асосий кодадар", "Олий таъим йўналишлари ва мутахассисликлари  
класификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамасига  
хуёвик иннлаб чиқизиган инновацион-тарбий-услубий хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
зарти хукуки Ўзбекистон Тошкент-2021 Ўзбекистон  
вазирлигига тегинидир.

ЎЗР ОУМТВ

Бўйрук № 365

"26" оқ 2014 йил

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Ўзэлтехсаноат” Уюшмаси

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «14» 08 даги 4-сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 361-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

1.2.3. 60711500 - Мехатроника ва робототехника таълим йўналиш бўйича бакалаврларнига касбий вазифалар

2. 60711500 - Мехатроника ва робототехника таълим йўналиш бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар

2.2. Касбий компетенциялар

Библиографик назгуллар

Келинчук мурасим

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий коидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

*60711500 – Мехатроника ва робототехника бакалавриат тъзим*

Т/п		бет
1.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника бакалавриат тъзим йўналишининг умумий таснифи</i> .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	4
1.2.3.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Библиографик маълумотлар.....	8
бакалавр	Келишув вараги .....	9

бўйича меконрав мөнгаличини таснифлашадиган тарковоц, юнонлар, росоғлар, робототехник тизими, инжиниринг тармоқи, сурʼиевари, микропроцессорларни бозорига тизими, ластурен тъзимоти, меконрав на робототехник тизимларни лойиҳалаш, узарга техник хизмат курсиги ва диагностика юлиши, сабаб ва эксплуатацияни хизмат ҳамда узардан саъарали фойдаланиши билан баглик комплексо мешкалар мажмусини камраб олди.

1.2.2. *60711500 – Мехатроника ва робототехника тъзим вучилини бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларини овощистерни*  
 – давлат за подданинг тармоқи, инжиниринг, инфотехнология, компютерлар (Фрикспр), ишлаб чиқарни бирлашималари тармоқи  
 – роботлар манипуляторлари, маконрав тизимларни изкорчи ва бешкарувчи тизимларни сиртида фойдаланишига меконрав тизимларни яхшилаштиришадиган тармоқи  
 – агентлар, меҳлинадар ва маконрав

## **1. 60711500–Мехатроника ва робототехника бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

*60711500–Мехатроника ва робототехника* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалавриат дастурининг таълим шаклларига кўра ўқиши меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртқи таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

### **1.1. Кўлланиши соҳаси.**

#### **1.1.1. 60711500–Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби *60711500–Мехатроника ва робототехника* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60711500–Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.**

##### **1.2.1. 60711500–Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятигининг соҳалари:**

*60711500–Мехатроника ва робототехника* – фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, мехатрон модулларнинг тузилиши, уларнинг таркибий қисмлари, роботлар, робототехник тизимлар, уларнинг электрон қурилмалари, микропроцессорли бошқариш тизими, дастурий таъминоти, мехатрон ва робототехник тизимларни лойихалаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва диагностика қилиш, синаш ва эксплуатация қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш билан боғлик комплекс масалалар мажмуасини камраб олади.

##### **1.2.2. 60711500–Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар ( фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- роботлар манипуляторлари, сезги сенсорлари, ижрочи ва бошқарувчи тизимлар сифатида фойдаланиладиган мехатрон модуллар асосида қурилган техник тизимлар, агрегатлар, машиналар ва мажмуалар;

- саноат корхоналарида ва носаноат соҳаларида фойдаланиладиган мехатрон ва робототехник тизимлар, ҳамда уларни лойихалаш ва бошқариш учун зарур бўлган дастурий ва алгоритмик таъминотлар, уларни ишлатишнинг самарали жараёнлари;
- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техниковий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидағи ўқув-тарбия жараёни.

**60711500– Мехатроника ва робототехника** таълим йўналиши бўйича бакалавриат битиравчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аникланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғуланиш хукукига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

#### **1.2.3. 60711500– Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- ишлаб чиқариши-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- йигиш-созлаи ишлари;
- фойдаланиши ва сервис хизмати кўрсатии фаолияти.

#### **1.2.4. 60711500– Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий вазифалари.**

**60711500– Мехатроника ва робототехника** таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

##### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- мекатрон ва робототехник тизимлар ва уларнинг таркибий қисмлари учун талабларни ишлаб чиқиш, жараёнларини автоматлаштириш ва уларнинг мухандислик тизимларини синаш ва эксплуатация қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- конструкция элементлари, юритмалар, сезги датчиклари, микропроцессорли бошқариш қурилмалари ва тизимнинг алоҳида қисмларини лойиҳалаш;
- мекатрон қурилмалар, роботлар ва технологик жихозларнинг элементларидан иборат кўп компонентли тизимларни ташкил қилиш ва уларнинг вазифаларини аниклаш ва формаллаштириш;
- бошқариш ва лойиҳалаш масалалари билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишнинг дастурий таъминотларини лойиҳалаш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни лойиҳалаш ва тадқиқот этиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда роботлаштирилган технологияларнинг ҳалқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологиялар ва хисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

##### **Ишлаб чиқариши-технологик фаолиятда:**

- роботлаштирилган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда мекатрон ва робототехник тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- саноат ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- меҳатрон ва робототехник тизимларнинг техник воситалари ва курилмаларини тузатиш, сақлаш ва қайта ишлаш тизимларини йиғиш ва ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- саноат ишлаб чиқаришидаги роботлаштирилган тизимларни яратиш ва уларни эксплуатацияси билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнларини мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган меҳатрон ва робототехник жихозлар ва ресурсларни режалаштириш;

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;

- муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараённада сифатни бошқариш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- бирламчи конструкторлик, технологик ёки ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб фаолият обьектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- муҳандислик иши соҳасидаги обьектлар, жараёнлар, тизимлар, жихозлар ва техник воситаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, синаш ва улардан самарали фойдаланишда иштирок этиш;

- самарасиз вакт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда қатнашиш;

- муҳандислик иши таълим соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий-техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамида эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- таҳлил, хисботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

#### **Йиғиш-созлаш ишлари фаолиятида:**

- меҳатрон модуллар ва робототехник ускуналарни йиғиш, созлаш ва ишга тушириш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

#### **Фойдаланиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:**

- меҳатрон модуллар ва роботлардан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

- меҳатрон модуллар, роботлар ва автоматлаштириш воситаларини синаш, диагностика қилиш ва уларни ишлатиш қобилияtlарига эга бўлиши керак.

## **2. 60711500–Мехатроника ва робототехника таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирда касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида кўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хукукий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- замонавий мехатрон ва робототехник тизимларни яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишини билиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалаштиришда замонавий коммуникацион, информацион ва компьютер технологияларидан фойдаланиш, лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- мехатрон ва робототехник тизимлар ижрочи қурилмаларини ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;
- амалиётда роботлаштирилган технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва хисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда кўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;
- мехатрон ва робототехник тизимларда жараёнларни бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;
- мехатрон ва робототехник тизимларни эксплуатациясида технологик интизомга риоя килинишини назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- мехатрон ва робототехник тизимларда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишини билиш;
- мехатрон ва робототехника соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютукларни ўрганиш;
- мехатрон ва робототехник тизимлар ва жиҳозларни монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидлари ва технологиясини билиш;
- мехатрон ва робототехник тизимлар жиҳозларини, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва колдик ресурсини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- лойиҳалаш институтларида ишлаш, инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишларнинг натижаларини намойиш этишда қатнашиш кўникмаларига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 621.865

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва ўкув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув даври, меҳатроника, робототехника, ижрочи ва сезги элементлари, бошқариш тизими, малака талаблари, бакалавриатнинг ўкув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустакил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўкув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети



М.У.

Ректор

проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08



Раиси

М.М. Юнусов

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантириш тадқиқотлари ва  
иљгор технологияларни татбиқ этиш  
маркази

Директор в.б.

М. Эсанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

Мирзо Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий университети

Ректор

И.У. Мажидов

2021 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.

“Unique innovation tree” MChG

Директор Д.Ш.Хожамухаммедов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

“Transformers edukation” MChJ

Директор III. Юсупов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

